



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 апрель, № 69 (8964)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммитида иштирок этиш учун Самарқандга келган Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садыр Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан учрашувлар ўтказди.



Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг самийи саломини етказди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йил якунларига кўра 1,1 миллиард доллардан ошган товар айирбошлаш кўрсаткичлари барқарор ўсиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Биргаликда «Шовот — Тошовуз» чегараолди савдо зонаси ташкил этилмоқда. Фаол ҳудудларро мулоқотлар ва маданий-гуманитар алмашинув доирасидаги тadbирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Бўлажак олий даражадаги икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама тadbирларга тайёргарлик кўриш, шунингдек, кенг қамровли ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари мулоқотида жорий йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида ўтган олий даражадаги уч томонлама учрашувнинг тарихий натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Чегара масалаларининг тўлиқ тар-

тибга солиниши минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда янги саҳифа очиши таъкидланди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифокчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ойда бўлиб ўтадиган Ҳукуматларро комиссия йиғилишида товар айирбошлашни кўпайтириш ва кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича аниқ чоратadbирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар минтақавий кун тарти-

бидаги масалаларни, шунингдек, икки ва кўп томонлама тadbирларга тайёргарликни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садыр Жапаров ҳам учрашув аввалида Хўжанд шаҳрида давлат раҳбарларининг уч томонлама учрашуви самарали бўлгани ҳамда давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисида тарихий шартнома имзоланганини алоҳида мамнуният билан қайд этидилар.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари, хусусан, саноат, транспорт, энергетика ва инфратузилма соҳаларида муҳим кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш чоралари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари фаол ҳудудларро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Бўлажак тadbирлар режаси ва минтақавий ҳамкорликнинг бошқа долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари учрашувида стратегик шериклик ва иттифокчилик муносабатларини икки давлат раҳбарларининг яқинда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган норасмий учрашувида эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари товар айирбошлашни кўпайтириш, иқтисодий лойиҳалар ва гуманитар дастурларни, шу жумладан, ҳудудлар даражасида илгари суриш бўйича мувофиқлаштирилган чоратadbирлар кўриши муҳимлиги таъкидланди.

Халқро саноат кооперацияси марказини ишга тушириш жараёнини тезлаштириш тўғрисида келишиб олинди.

Шунингдек, минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, олий даражадаги тadbирлар жадвали кўриб чиқилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга таширф буюрган Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан суҳбатлашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истикболлари юзасидан фикр алмашилди ҳамда 4 апрель куни бўлиб ўтадиган минтақаларро саммит ва иқлим форумига оид масалалар кўриб чиқилди.

Сўнгра давлатимиз раҳбари Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги фаол мулоқотлар ва сермахсул алмашинувлар, амалий ҳамкорликнинг институционал механизмлари доирасида самарали ишлар олиб борилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишга тайёрганмоқда.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми барқарор ортиб бормоқда. Европанинг етакчи компаниялари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари портфели 30 миллиард евродан зиёдин ташкил этмоқда. Мамлакатимиз Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг йирик бенефициари ҳисобланади, Тошкент шаҳрида

Европа инвестиция банкининг минтақавий ваколатхонаси очилмоқда.

Европа Иттифоқининг бош институтлари раҳбарлари янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар дастурини, шунингдек, Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ишонч ва шерикликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатни юксак баҳоладилар ва қатъий қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Музокараларда асосий эътибор инновациялар, «яшил» энергетика, тоғ-кон тармоғи, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, логистика, рақамлаштириш ва бошқа йўналишларда қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суришга қаратилди.

Туризм, маданият, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Бўлажак «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» форматидagi биринчи олий даражадаги саммит кун тартибидаги масалалар ҳамда Европанинг «Глобал дарвоза» стратегияси доирасида икки минтақанинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш истикболлари муҳокама қилинди.

Халқро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари, жумладан, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўмаклашиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен ҳузурида мамлакатимизда Европа инвестиция банкининг минтақавий офисини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди.

1958 йилда ташкил этилган Европа инвестиция банки Европа Иттифоқининг етакчи молиявий институтидир.

Таъкидлаш жоизки, офиснинг Тошкент шаҳрида очилиши ўзаро манфаатли ҳам-

корликни кенгайтириш, Ўзбекистонда ва умуман Марказий Осиёда «яшил» иқтисодиёт, инновацион саноат ва замонавий инфратузилмани ривожлантиришга жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш имконини беради.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Европа музокаралари якунида биргаликда дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен Самарқанд шаҳридаги Конгресс маркази хиёбонида икки туп эман экидилар.

Кўчат экиш маросими Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида дўстлик, кўп қиррали ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамлашиб бораётганининг яна бир рамзи бўлди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Антониу Кошта ва Урсула фон дер Ляйен Самарқанд халқро туризм марказидаги «Бокий шаҳар» тарихий-этнографик мажмуасида бўлдилар.

Меҳмонларга халқимизнинг бетақорр бадийи, ҳўнамандлик ва мусиқий маданияти намойиш этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд саммитида иштирок этиш учун юртимизга келган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Оидиль Рено-Бассо билан ҳам учрашди.

Мулоқотда мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқро молиявий институт билан кенг қўламли ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Устувор тармоқлар-

даги қўшма лойиҳалар портфели барқарор кенгайиб бормоқда. Банкнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган жами инвестициялари 5 миллиард евродан ошди, жумладан, ўтган йил якунларига кўра қарийб 1 миллиард еврони ташкил этди. Молиявий қўмакнинг асосий ҳажми хусусий секторга тўғри келмоқда.

Мамлакатимиз бўйича ўрта муддатли Шериклик стратегияси самарали амалга оширилмоқда. ЕТТБ экспертлари қўмагида банк соҳасини трансформация қилиш ва бизнес учун имкониятларни кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Учрашувда лойиҳаларнинг ижроси сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш бўйича биргаликдаги ишлар ўз натижасини бераётгани қайд этилди. Жараёнларни мақбуллаштириш ва лойиҳаларни тайёрлашни тезлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, таълим, сув таъминоти, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш каби муҳим йўналишларда кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди.

«Яшил» иқтисодиёт, углерод чиқиндиларини камайитириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект, ипотека бозори, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги дастур ва лойиҳалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Жорий йил июнь ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ў.А. мухбирлари.**

Парламент дипломатияси

КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимиз пойтахтида муҳим воқеа — Парламентларро Иттифоқнинг 150-йўбилей ассамблеясига тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Хусусан, кеча Тошкентда Парламентларро Иттифоқ Ижроия қўмитасининг ташкилий масалалар юзасидан йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очар экан, дастлаб ПИ раҳбарияти, хусусан, унинг Президенти Тулия Эксон хоним ва Бош қотиб Мартин Чунгонга 150-йўбилей ассамблеяни Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилганлари учун миннатдорлик билдирди ва ушбу тadbирнинг юртимизда ўтказилиши мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг халқро даражадаги эътирофи эканини таъкидлади.

Танзила Норбоева ўз нуткида ижтимоий адолат, камбағалликка барҳам бериш ва заиф қатламларни ҳимоя қилиш масалаларининг долзарблигини қайд этиб, бу борада парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳимлигига эътибор қаратди.

Шунингдек, тadbирда Ўзбекистон парламентининг ПИ фаолиятидаги иштироки тобора фаоллашаётгани таъкидланди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Барқарор ри-

вожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида»ги БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги ташаббуси ПИ томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлангани қайд этилди.

— Миллий парламентимиз, хусусан, Сенат жаҳон кун тартибидаги устувор йўналишлар бўйича ушбу халқро тузилма билан бундан буён ҳам самарали, конструктив мулоқотни изчил давом эттиришдан манфаатдор эканлигини билдирмоқчиман, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева.

Шу билан бирга, ПИ Ижроия қўмитаси фаолияти юқори баҳоляниб, унинг парламентларро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдаги муҳим аҳамиятига урғу берилди. Парламентларро Иттифоқ билан ўзаро ҳамкорлик доирасида Бухоро ва Тошкент шаҳарларида халқро парламент форумлари ҳамда унга аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити муваффақиятли ўтказилгани ҳам таъкидланди.

«Халқ сўзи».



Қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилади

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Эрон Исломий Кенгаши Мажлиси Раисининг биринчи ўринбосари Хамидризо Ҳожибобой бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Унда Ўзбекистон парламенти ва Осиё Парламент Ассамблеяси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, экология, барқарор ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган асосий таъйинларнинг Осиё Парламент Ассамблеяси фаолиятининг устувор йўналишлари билан ҳамоҳанг экани ўзаро ҳамкорлик учун имкониятларни кенгайтиради.

Шу боис атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, “яшил” технологиялардан фойдаланиш, “яшил” энергетика ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳаммад Ризо Мажидий Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳамда янги конституциявий ўзгаришлар ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида эътироф этди.

Мулоқот чоғида Ассамблеяга аъзо мамлакатлар ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, зиёрат туризмини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Яқунда мавжуд ташаббуслар доирасида ишлари фаоллик билан давом эттириш ва янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУЗОКАРАЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Эрон Исломий Кенгаши Мажлиси Раисининг биринчи ўринбосари Хамидризо Ҳожибобой бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот чоғида парламентларо алоқаларни мустаҳкамлаш ва эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари эътибор марказида бўлди.

Таъкидланганидек, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар охириги йилларда изчил ривожланиб бормоқда. Жумладан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми

сўнгги олти йилда 1,7 баравар ўсиб, 2024 йилда 497 млн. долларга етди, Ўзбекистонда эронлик инвесторлар иштирокида 261 та корхона фаолият юритаётир.

Учрашувда парламентлар ўртасида тизимли мулоқот ўрнатиш ва қонунчилик соҳасида ҳамкорликни кучайтириш, имтиёзли савдо битими доирасида маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

ТАРИХИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Миср Араб Республикаси парламенти Вакиллар палатаси Спикери Ханафий Али ал-Гебалий билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги парламентларо алоқаларнинг истиқболлари муҳокама этилди.

Миср Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли ҳамкорларидан бири. Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги тарихий, маданий ва аънавий алоқалар ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқотда давлат раҳбарлари даражасида эришилган кенг қўламли битимларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун парламент назоратини кучайтириш муҳимлиги

таъкидланди. Икки мамлакат парламентлари Сенатлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, улар ўртасида дўстлик гуруҳлари фаолиятини жадаллаштириш, шунингдек, қўшма тадбирлар ташкил этишга эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликка қўмаклашиш мақсадида қонунчилик базасини тақомиллаштириш хусусида ҳам фикр юритилди.

Яқунда Ханафий Али ал-Гебалий Олий Мажлис Сенатининг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди.

«Халқ сўзи».

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Эрон Исломий Кенгаши Мажлиси Раисининг биринчи ўринбосари Хамидризо Ҳожибобой бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Эрон парламенти вакиллари жорий йилнинг 5 — 9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ўзбекистон — Эрон:

ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Мулоқот аввалида кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродалари тўғрисида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, икки томонлама алоқаларнинг барча йўналишида ўзаро муносабатлар фаоллашиб, кўп томонлама мулоқотлар мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида урғуланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил июнь ойида Эрон Ислам Республикасига расмий ташрифи нафақат икки томонлама муносабатларнинг янги даврини бошлаб бергани, балки Ўзбекистон — Эрон алоқаларини кенг қамровли ҳамкорлик даражасига кўтаргани мамуният билан қайд этилди.

Сўхбат чоғида меҳмонларга янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, палатанинг қўмиталари, комиссияларининг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, Х. Ҳожибобой самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондаги мувозанатли, очиқ ва конструктив ташқи сиёсат, кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг натижаларини ижобий баҳолади.

“Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган тарихий ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз. Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Тошкентда ўтказилиши жуда катта сиёсий воқеа. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, жумладан, парламентларо муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганидан мамнунмиз”, деди Х. Ҳожибобой.

Учрашувда парламентларо алоқаларни ривожлантириш истиқболлари, уни

янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, маданий-гуманитар алмашинув бўйича мулоқотларни фаоллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Томонлар ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш, парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

Таъкидлаш жоизки, Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида хорижий давлатлар парламентлари вакиллари билан қатор тадбир ва учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Эрон Ислам Республикаси Исломий Кенгаши Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳнинг Эрон Ислам Республикаси Исломий Кенгаши Мажлиси вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси, гуруҳ ҳамраиси:

— Эрон билан Ўзбекистон ўртасида кўп асрлик тарихий алоқаларимиз мавжуд. Халқларимиз ўртасидаги азалий маданий-тарихий алоқалар эса ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда икки мамлакат муносабатлари барча соҳа ва йўналишларда ривожланиб борапти. Хусусан, парламентлар ўртасида яқин ҳамкорлик олиб борилаётгани натижасида парламентларо ришталар анча фаоллашди.

Ишонимки, мазкур учрашув парламентларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, амалий алоқалар самарадорлигини янада ошириш ҳамда қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, бу борадаги шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мадина БАРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, гуруҳ аъзоси:

— Учрашувда амалий ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашда парламентларнинг ролини кучайтириш, бу борада парламент делегациялари алмашинувини доимий йўлга қўйиш, парламентларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан ўзаро тажриба алмашиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Делегацияларнинг ўзаро ташрифлари қўллаб соҳалардаги икки ва кўп томонлама шериклик ривожланиши учун замин яратиш билан бирга, Эрон парламенти билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро мулоқотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

Акс садо

ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Самарқанд кейинги йилларда жуда кўп нуфузли сиёсий ва маданий анжуманларга мезбонлик қилаётган шаҳарлардан бирига айланди. Шу кунларда мазкур тарихий шаҳарда яна бир йирик муҳим воқеа — “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити бўлиб ўтаётгани ҳам фикримиз далили.

3-4 апрель кунларига мўлжалланган анжуман Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон етакчилари иштирокида ўтмоқда. Тадбирда Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен қатнашаётгани ҳам унинг нуфузини белгилаб турибди.

Саммит доирасида Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг узоқ тарихи, тадбир якунлари бўйича очилиши мумкин бўлган янги иқтисодий истиқболлар нуктаи назаридан ҳам алоҳида қизиқиш уйғотадиган масалаларнинг иқтисодий блоки муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, аввало, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан Президентимизнинг “Euronews”га берган эксклюзив интервьюсига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Зеро, интервьюда ушбу саммитнинг аҳамияти, ундан қўтилаётган натижалар, ЕИ билан Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳамкорлигининг истиқболлари таҳлили батафсил ёритиб берилди.

Мамлакатимизнинг ЕИ билан ҳамкорлиги траекторияси кенг. Бу ҳамкорлик

мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданқо бошланган. 1992 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ҳукумати ҳамда ЕИ комиссияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган бўлса, 1994 йил ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Қолаверса, 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси Европа Иттифоқидаги миссия вазифаларини бажариб келаётир. 2011 йилдан пойтахтимизда ЕИнинг дипломатик ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. 1996 йил июнда эса Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Айтиш жоизки, ЕИ билан ҳамкорлик Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган тул ислохотлардан кейин янада фаол ривожланди. 2017 йил июлда Тошкентга ташриф буюрган Европа комиссиясининг Халқаро ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича бош директори Стефано Мансервиси ЕИ Ўзбекистонни стратегик ҳамкор сифатида қўйишни маълум қилган эди. Ўзаро муносабатларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳам кенгайди. Агар аввал Ўзбекистон ҳамда ЕИ Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ бир-бирига энг қўлай савдо режимини тақдим этган бўлса, 2021 йил апрель



ойида ЕИ Ўзбекистонга Умумий имтиёзлар тизими — “GSP+” бенефициари мақомини берди. 2022 йилда эса кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битим маъқулланди. Ўзаро ҳамкорликнинг йилдан-йилга ўсиб бораётганини қўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, ўтган йили Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши товар айирбошлашда 9,7 фоизни, экспортда 6,3 фоизни, импортда 12 фоизни ташкил этди. Қолаверса, 2017 — 2024 йилларда Ўзбекистоннинг умумий экспортда ЕИ мамлакатлари улуши 3,8 фоиздан 6,3 фоизга ошганини таъкидлаш лозим. Бу эса иқтисодиётимизнинг рақобатбардош маквеи мустаҳкамланганидан далолат.

Умуман, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитининг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши мамла-

катимизнинг минтақадаги интеграция жараёнларидаги мустаҳкамловчи роли ва “Марказий Осиё+” платформаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро алоқаларни кенгайтириш борасидаги фаол сазй-ҳаракатларининг амалдаги эътирофидир.

Саммит якунлари нафақат Марказий Осиё давлатлари учун, балки Европа Иттифоқи учун ҳам кенг истиқболларни очиб беради. Иқтисодий, инвестиция ва гуманитар алоқаларни янада чуқурлаштириш, савдо имкониятларини кенгайтириш ҳамда икки минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлиқка ҳисса қўшадиган қўшма ташаббусларни рўёбга чиқариш учун мустаҳкам замин яратади.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ростлади. Ушбу обида қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг янги рамзидир, десак, муболаға бўлмайди.

Марказий Осиёда давлат чегаралари муаммоларини оқилона ечимлар асосида ҳал қилиш ишлари давом этмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу келишувларга эришиш учун бир неча йиллар давомида узоқ тортишувлар ва машаққатли йўлар билан чегарада қадам-қадам юриб, архив ҳужжатлари ўрганилди. Бир неча мартаба Ҳукуматларо комиссия йиғилишлари ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси тўғрисидаги маънавиятдан келиб чиқиб, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ана шу чегараларни келишиб олишда муҳим аҳамият касб этди.

Эришилган келишувлар натижасига кўра қўшни давлатлар билан чегара ўтказиш пунктларининг фаолияти қайта тикланди. Ҳозирда ушбу пунктлар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бу тарихий воқеа Марказий Осиё давлатлари ўз муаммоларини аҳиллик билан ҳамкорлик ва оқилона ёндашув орқали ҳал этиши мумкинлиги, асосийи, мамлакатимизнинг икки ва кўп томонлама форматда тинчликпарвар сиёсат олиб бораётганининг ёрқин намоёнидир.

Нуриддин СУЛТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқ сўзи



Тошкент шаҳри 5 — 9 апрель кунлари тарихий ва геосиёсий жиҳатдан муҳим халқаро марказ сифатида йирик парламентларо анжуманга мезбонлик қилади. Қарийб бир ҳафта мобайнида мамлакатимиз жаҳон парламент тузилмаларининг тўлақонли аъзоси сифатида глобал муҳокамалар майдонида айланади.

Албатта, 190 га яқин мамлакатлар парламентини бирлаштириб келаётган Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси илк бор Марказий Осиёда, хусусан, юртимизда ўтказилиши муҳим тарихий воқеа. Айни чоғда бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганининг яққол ифодасидир.

Айтиш кераки, ушбу муҳим тадбир мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва демократик таъмоийларни илгари суришда ҳам катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва шу каби йўналишлардаги миллий тажрибамиз дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганини ҳам тасдиқлайди. Чўнки парламентаризм ҳар қандай демократик тизимнинг асосидир.

Мазкур анжуман “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” умумий шиори остида дунё парламентлари нигоҳини аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, гендер тенглик, илм-фан, технологияни ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалалар муҳокамасига қаратмоқда. Бу борадаги ўзаро тажрибавий мулоқот моҳиятини ташкил этади.

Ушбу йўналишлар беҳиз танланмаган. Чўнки сўнгги етти йилда Президентимиз раҳбарлигида бу соҳаларда сезиларли ижобий натижаларга эришилди. Ассамблея Ўзбекистоннинг мана шундай ижобий тажрибасини жаҳон мамлакатлари билан бўлишиш, ўртоқлашиш имкониятини ҳам беради.

Дарҳақиқат, охириги йилларда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш бўйича мақсадлари, парламент фаолиятини кучайтириш, назорат функциялари таъсирчанлигини оширишга қаратилган ислохотларни бутун дунёга кўрсатиш, тақдим қилишга муносиб деб айта оламиз. Албатта, бугун янги Ўзбекистондаги ижтимоий адолат ва ижтимоий барқарорликка асосланган халқпарвар сиёсат халқаро минбарларда эътироф этилаётгани кишига мамуният бағишлайди. Ижтимоий ҳимоя бўлиб олиб борилаётган қўламли кенг ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳам буни тасдиқлайди.

Жумладан, ўтган даврда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг даромадларини ошириш, эҳтиёжманд инсонларга яқиндан ёрдам бериш, ижтимоий-иқтисодий фаолликни рағбатлантириш, умуман, инсон ҳуқуқ ва ҳақиятимизнинг устувор мақсадида айланди. Масалан, камбағалликни икки баробар қисқартириш мақсад қилиб олинди. Бу бўйича ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди. Жамиятимизда ижтимоий муҳит тубдан ўзгарди. Қиёсласак, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар нафақат қарорлар ва дастурларда, балки оилалар турмушида акс этаётганига амин бўламиз. Рақамлар, асосийси, ҳаётин натижалар бунинг исботи.

Масалан, ҳудудларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, 102 та ижтимоий хизмат маҳалларда йўлга қўйилди. Маҳалладаги ижтимоий ҳодимлар уйма-уй юриб, шу йил реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтож одамга ёрдам кўрсатди. 51 минг кишига ногиронлик белгиланди, 26 минги протез олди, ногиронлиги бор 5 минг бола бочка-мактабга жойлашди. Бу рақамлар ортида эса қанчадан-қанча юртдошларимизнинг розилиги, шўқроналиги бор. Энг муҳими, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг “ижтимоий давлат” сифатидаги мақоми мустаҳкамланганлиги, жамиятда ижтимоий адолат таъмоийлиари қарор топаётганини кўрсатиб турибди.

Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясининг мамлакатимизда ўтказилиши ижтимоий ўзгаришларнинг эътирофи, инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган муҳим сиёсий платформа ҳамдир. Чўнки инсоний муносабатлар парламент дипломатияси муваффақиятини белгилайди. Бу Ўзбекистоннинг демократик ислохотларга содиқлигини ифода этиш бораборида минтақадаги конструктив сиёсий мулоқот маркази сифатидаги мақомини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Муқаддас ҲАРАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ИККИ МИНТАҚА ЎРТАСИДАГИ САМАРАЛИ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

4 апрель куни Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтади. Мазкур тадбир муҳим сиёсий воқеага айланади ва икки минтақа ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб беради.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтайдиган саммит ишида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Козогистон Президенти Косим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов иштирок этади.

Бўлажак саммит хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, кўплаб босма ва электрон нашрлар саҳифаларида бўлажак саммитга бағишланган таҳлилий мақолалар чоп қилиняпти. Уларда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидаги биринчи саммитнинг Ўзбекистонда, яъни тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши мамлакатимизнинг минтақавий интеграция жараёнларидаги мустаҳкамловчи роли ҳамда “Марказий Осиё+” платформаларида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва халқаро шериклиқни кенгайтириш бўйича фаол саъй-ҳаракатларининг эътирофи эканлиги қайд этилган.

Хусусан, Европа Иттифоқи кенгаши расмий порталида эълон қилинган мақолада саммит иқтисодиёт, экология ва сиёсат соҳаларида ҳамкорлиқни

мустаҳкамлашга қаратилгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Самарқанд барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши ва хавфсизлик соҳасида тажриба алмашиш ва қўшма ечимларни амалга ошириш учун мулоқот майдонига айланиши айтилган.

Европа Иттифоқининг “EU Reporter”, “The Brussels Times” ва “Eurasia Magazine” каби етакчи онлайн-порталларида Ўзбекистон ўзини минтақавий ва минтақалараро ҳамкорлик платформаси сифатида кўрсатаётгани ҳамда экологик барқарорлиқни ошириш ва инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳаларга содиқлигини намоён қилаётгани ёзилган. Венгриянинг таниқли “Daily News Hungary” ва “Hello Magyar” нашрларида ёзишларича, саммит Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида иқтисодиёт, энергетика, транспорт, экология ва рақамли иқтисодиёт каби муҳим соҳаларни қамраб олган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг кучга киришини тезлаштириш мумкин. Испаниянинг етакчи “El Mundo Financiero” электрон нашрида Самарқанд саммити Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолиги йўлида муҳим босқич бўлиши мумкинлиги маълум қилинган.

Саммитга Яқин Шарқдаги етакчи оммавий ахборот воситаларида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Қатарнинг “Asian Telegraph Qatar” газетасида босилган мақолада ёзилганидек, саммит Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Саудия Арабистонининг “An Nahar News” ва Йорданиянинг “Ammon News” газеталарида ҳам саммит Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришнинг бошланғич нуктаси сифатида эътироф

Мисрнинг “Sada al-Balad” ахборот агентлиги мухбири мазкур саммит Ўзбекистоннинг “GSP+” мақоми доирасида Европа Иттифоқида экспорт ҳажмини ошириш учун янги имкониятлар очишини урғулаган.

Хитойнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари, жумладан, “Синьхуа” ахборот агентлиги, “Жэньминь жибао” газетаси, шунингдек, “Lookwe” ва “Psearcher” журналларида саммитнинг муҳимлиги таъкидланиб, унинг якунида “Минтақавий “яшил” ривожланиш концепцияси” тақдими ўтказилиши

нинг ЖСТга аъзо бўлиши соҳасидаги ҳамкорлик ўзбек товарларининг рақобатбардошлигини ошириши ва савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаши кутилмоқда”, дейилади материалларда. “Islamabad Post”, “The Gulf Observer”, “The Europe Today” ва “Pakistan in the World” каби Покистоннинг етакчи оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда Ўзбекистон ва Европа ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун транспорт ва логистика инфратузилмаси муҳимлигига эътибор қаратилди. Нашрларда саммит логистика йўналишлари, жумладан, Транскаспий мультимодал коридорини муҳокама қилиш учун платформага айланиши, ўз навбатида, Европа бозорларига чиқиш имкониятларини яхшилаши таъкидланган.

Марказий Осиё мамлакатларининг оммабоп оммавий ахборот воситалари, хусусан, “Казинформ”, “Кабар”, “Ховар”, “Alliance Press”, “Авесто” ахборот агентликлрининг хабар беришларича, бўлажак саммит минтақа мамлакатлари ўртасида илмий ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик учун янги уфқларни очади. Туркменистондаги “News Central Asia” ахборот агентлиги мухбири европалик сайёҳларнинг эътибблари ва афзалликларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Европа компанияларини жалб этиш иқтисодий ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиши мумкинлигига эътибор қаратган. Қирғизистондаги бир қатор электрон нашрларда Марказий Осиё учун муҳим бўлган

ушбу саммит минтақанинг шериклик ва умумий фаровонлик платформаси мақоми мустаҳкамлашига ишонч билдирилган. Шунингдек, уларда минтақадаги барча давлатлар билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни яқунлаш ҳамда уларнинг “GSP+” тизимига қўшилишини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилган.

“Bernama” (Малайзия), “Milano Finanza” (Италия), “Berliner Zeitung” (Германия), “Financne Noviny” (Словакия), “Masarat Center for Strategy & Media”, “Al-Diplomasy”, “Wrkaa News” (Саудия Арабистони), “TOLonews” (Афғонистон), “World News” ва “Daily Big Digit” (Покистон), “Open4business”, “Fixugen”, “Гордон” (Украина), “Orient” (Туркменистон) каби хорижий электрон ва босма нашрлар, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг қатор етакчи ахборот ресурслари Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги ҳамкорлиқнинг турли йўналишларига эътибор қаратмоқда.

Хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити томонлар ўртасидаги стратегик шериклиқнинг янги саҳифасини очишини алоҳида таъкидлашмоқда. Саммитда сиёсий, иқтисодий, сармовий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши, минтақада хавфсизликни таъминлаш каби долзарб глобал муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган аниқ келишувлар имзоланиши кутилмоқда.

«Дунё» АА.

Келажак сари дадил қадам

Кейинги йилларда халқаро майдонда ноодатий жараён кечмоқда. Буни жаҳон саҳнида содир бўлаётган зиддиятлар занжири ҳамда глобаллашув жараёнининг шиддатли тус олаётгани билан характерлаш мумкин. Мана шундай мураккаб бир даврда Ўзбекистоннинг, қўшни давлатларнинг юритаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсати дунё етакчилари учун жозибадорлик касб этмоқда. Буни “Марказий Осиё+” форматидаги саммитларнинг ортб боришида яққол кўришимиз мумкин.

Фикр

Айни кунларда дунё ҳамжамиятининг нигоҳи яна Ўзбекистонга қаратилди. Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтмоқда. Таҳлилчилар саммит юртимизда ўтишининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиб, бир неча аргументлар келтирмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ҳамма давлати билан умумий чегарага эга ягона давлат. Шу билан бирга, минтақадаги барча давлатлар билан кучли дипломатик муносабатларга эга.

Иккинчидан, Ўзбекистон минтақадаги аҳолиси энг кўп давлат. Бу ўз-ўзидан энг катта ишчи кучига эга эканлигимизни ҳам англатади.

Учинчидан, кейинги йилларда иқтисодий курсаткичлар мўътадил ўсаётир ва бу ўсишнинг давом этириши учун катта потенциал мавжуд. Шунинг учун ҳам “Келажакка сармоя киритиш” шиори остида ўтаётган саммит халқимиз фаровонлиги, ижтимоий-иқтисодий истиқболли учун ҳам ҳаётий аҳамиятга эга.

Марказий Осиё муаммолар гирдобиди қолиб келган кечаги минтақа эмас, бугун ҳудудда муҳит бутунлай ўзгарган. Саммит янада янги имкониятлар яратди. Европа Иттифоқи 27 аъзо давлатдан иборат, дунёда энг йирик бозорлардан ҳисобланади. У нафақат иқтисодий қудрат, балки ҳуқуқий, технократ ва экологик стандартларни белгилайдиган глобал платформа сифатида ҳам тан олинган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи иқтисодий ҳамкорлигида кейинги йилларда катта ўсиш кузатилган. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотларига кўра, 2017 — 2024 йиллар давомида Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан товар айланмаси ҳажми 2,4 баробар — 2,6 млрд. доллардан 6,4 млрд. долларгача ўсган. 2024 йилда экспорт ҳажми 2023 йилдагига нисбатан 26,9 фоизга ортган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда Европа капитали иштирокидаги корхоналар сони мингдан ортиқни ташкил қилиб, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 млрд. еврога етган. Рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг йирик ҳамкориға айланиб улгурди.

Самарқанд саммитида инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва товар айирбошлашни кўпайтириш, инновациялар, “яшил” энергетика, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика ва рақамлаштириш соҳаларида қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданият, туризм, фан, таълим ва бошқа устувор йўналишларда фаол алмашинувларни давом эттириш масалалари диққат марказида бўлади. Муҳими, бундай кенг тармоқларни қамраб олган катта миқёсдаги музокаралар мамлакатимизга йирик инвестициялар оқимини олиб келиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга улкан ҳисса қўиши табиий.

Айтиш жоизки, Марказий Осиё давлатлари етакчилари ва Европа Иттифоқининг асосий институтлари раҳбарлари бугун ўз ишини бошлайдиган Самарқанд халқаро иқлим форумининг ялпи мажлисида иштирок этади.

Иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаятган муаммолар инсон генетикасига жуда катта салбий таъсир кўрсатишни бошлади. Шунинг учун иқлим масаласи энди дунё ҳамжамияти кун тартибидан тушмайди. Табиатни асраш, “яшил” энергетика, “яшил” иқтисодиёт сингари масалалар бир ёки бир неча давлат зиммасидаги масала эмас. Бунга глобал миқёсда ечим излаш, ҳамжиҳатликда иш олиб бориш талаб этилади.

Самарқанд саммити Ўзбекистон учун нафақат дипломатик ютуқ, шу билан бирга, иқтисодий, ижтимоий ва экология соҳаларида ҳам ривожланишимизга замин яратди. Юртимизнинг Европа билан алоқалари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади.

Қизилгүл КОСИМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутаты.

“Бўлажак саммит хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, кўплаб босма ва электрон нашрлар саҳифаларида бўлажак саммитга бағишланган таҳлилий мақолалар чоп қилиняпти. Уларда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидаги биринчи саммитнинг Ўзбекистонда, яъни тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши мамлакатимизнинг минтақавий интеграция жараёнларидаги мустаҳкамловчи роли ҳамда “Марказий Осиё+” платформаларида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва халқаро шериклиқни кенгайтириш бўйича фаол саъй-ҳаракатларининг эътирофи эканлиги қайд этилган.”

этилди. Нашрларда қайд қилинганидек, томонлар қайта тикланадиган энергия, кимё ва фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва логистика каби соҳаларга эътибор қаратади.

маълум қилинди. Ушбу концепция иқлим ўзгариши масалалари бўйича ҳамкорликка мустаҳкам асос яратди. “ЕИ билан сертификатлаштириш, рақамли трансформация ва Ўзбекистон-

«Ўзбекистон: болалар тилидан ҳикоялар» китоби Германияда чоп этилди

Германияда илк бор бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Ўзбекистон: болалар тилидан ҳикоялар” номли янги китоб нашр этилди.

Биз ва жаҳон

Гёттинген университети лойиҳаси доирасида муаллифлар Альберт Файерабенд ва ватандошимиз Насиба Абдуллаева томонидан ёзилган мазкур китоб германиялик ёш китобхонларга мамлакатимиз, унинг тарихий шаҳарлари, бую маданияти ва урф-одатлари ҳақида маълумот беради. Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларни Ўзбекистон бўйлаб қизиқарли саёхатга чорлайди.

Китоб қахрамонлари Нодир, Мадина, Севара ва Баҳодир Тошкент, Самарқанд, Хива шаҳарлари ва Фарғона водийсининг диққатга сазовор жойлари, юртимиздаги шарқона бозорлар, қишлоқ ва шаҳарлардаги жўшқин ҳаёт ҳақида ҳикоя қилади.

Ранг-баранг расмлар билан безатилган китоб мазмунан бой ва мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудининг табиатини очиб берган. Китобда ўзбекистонлик болаларнинг кундалик ҳаёти, уларнинг оилавий анъана ва урф-одатлари атрофича ёритилган.

Айниқса, ўзбек маҳаллалари, миллий хунарамандчилик, ипакчилик мавзулари ҳақидаги ҳикоялар болажонларда катта қизиқиш уйғотади.

Асар навқирон авлоднинг Ўзбекистон ҳақида тасаввурларини кенгайтириш, маданиятлараро тушуниш ва бошқа халқлар аъёналарига хурмат туйғуларини ривожлантиришга қаратилган. Нашр бошланғич ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган бўлиб, Германиядаги китоб дўконларида, шунингдек, онлайн платформаларда мавжуд.

“Ўзбекистон: болалар тилидан ҳикоялар” китобининг нашр этилиши Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқалар ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, навқирон авлодни дўстлик ва жаҳон маданиятлари хилмаҳиллигига ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳисса қўишда муҳим қадам бўлди. “Q Gallerie Berlin” кўргазмалар галерейсиди мазкур китобнинг тақдими ўтказилди.



Альберт Файерабенд, китоб муаллифи:

— Китоб ёш немис китобхонларини ўзбекистонлик болаларнинг кундалик ҳаёти, мактабдаги дарслари қандай кечиши, қизиқишлари билан таништиради. Германияда болалар тилида дунё мамлакатларини таништирадиган, масалан, Туркия, АҚШ, Россия ва бошқа давлатлар ҳақида кўплаб асарлар мавжуд, мазкур китоб эса Ўзбекистон ҳақидаги болалар учун ёзилган биринчи рисоладир.

Насиба Абдуллаева, ҳаммуаллиф:

— Германияга оилавий кўчиб келганмиз. Ўғлим шу ердаги мактабда ўқийди. Биз бу ерда Ўзбекистон ҳақида немис тилида болаларбоп китоб топа олмадик. Бу эса ўшга китобни ёзишга ундади. Китоб 7 дан 14 ёшча бўлган болалар учун мўлжалланган бўлиб, унда мамлакатимиз ҳақидаги бошланғич маълумотлар киритилди. Масалан, замимиздаги турли маданиятларни Тошкент шаҳри мисолида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Самарқанд шаҳрининг қадимдан маданиятлар ўчоғи бўлгани бола тилидан тушунтирилди.

Келажакда ҳам мазкур лойиҳани давом эттириш ниятимиз бор.

«Дунё» АА.
Берлин

«Шунқорлар» беллашишди

Хоразм вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳудуддаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар ўртасида “Талабалар баҳори — 2025” ҳафталиги доирасида Урганч гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида вилоят ҳокими кубоғи учун “Шунқорлар” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаси ўтказилди.



«Талабалар баҳори — 2025»

Беллашувда вилоятдаги еттита олий ўқув юртидан 18 дан 30 ёшгача бўлган талабалар иштирок этиб, жамоавий тарзда сафда шахдам қадам ташлаб юриш, пневматик милтиқдан нишонга ўқ узиш, гранатани узоққа

улоқтириш, автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йғиш, газга қарши никобни кийиб югуриш, 100 метр масофага югуриш, турникда тортилиш каби шартлар асосида ғалаба учун курашишди.

Мусобақа шартларига кўра, 1-ўрин Урганч давлат педагогика институти жамоасига насиб этди. 2-ўринга Урганч давлат университети ҳамда 3-ўринга Урганч инновацион университети жамоалари муносиб топилди. Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҒСИЛОТЛАР



Таълим

Халима Худойбердиева номидаги ижод мактаби гарчи умумтаълим муассасаси бўлса-да, ўқув юртидаги савия даражасини олий ўқув юртига менгасас бўлади. Ўқув-тарбия дастуридаги тигизилик, чуқур билим беришга асосланган ўзига хос дарс жараёнлари ва пировардида ўқувчиларининг билим даражаси юқорилиги фикримизга далолатдир.

ИЖОДНИНГ

ЖОЗИБАДОР ОЛАМИ

“Мактаб ичида мактаблари бор” ўқув маскани деб аташ ҳам ўринлидир. Чунки ўқувчилар дарсдан сўнг оз эмас, 12 та ихтисослаштирилган тўғарақдаги машғулотларда қатнашиш имконига эга. Тўғарақларки, барчаси аниқ жадвал ва ўқув-машғулот режаси асосида фаолият юритади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир тўғарақ ўз йўналиши бўйича мукаммал маҳорат мактаби саналади.

— Тўғарақлар самарадорлигини оширишда, аввало, уларнинг мураббийларини танлашга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди ижод мактаби директори, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Покиза Аҳмеджано-ва. — Маълумки, ижод мактаблари ўқитувчилари белгиланган имтихон-

лар ҳамда касбий малака даражалари асосида кўплаб номзодлар орасидан танлаб олинади. Шу маънода, тўғарақ раҳбарлари ҳам маълум ихтисослик бўйича амалий тажриба, юқори малакага эгаллигига, энг муҳими, мазкур йўналишнинг профессионал мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда танланган. Айни шу омил туфайли ўқувчиларимиз мактабдаёқ турли ихтисосликлар бўйича кенг назарий билим ва амалий кўникма олмақда.

Ҳақиқатан, мазкур ижод мактабида ўз соҳаси бўйича вилоятдагина эмас, мамлакатимизда ҳам таниқли ижодкорлар, санъат вакиллари, мутахассислар турли тўғарақларнинг раҳбарлари сифа-

тида жамланган. Масалан, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби Анорбой Бойбеков “Тасвирий ва амалий санъат”, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шухрат” медали соҳиби Хусниддин Хайит “Ёш ижодкорлар”, Сирдарё вилоти мусикали драма театрининг истеъдодли актери Қандиёр Рустамов “Драма” тўғарагини бошқармоқда. Журналистика тўғарагида ҳам медиасоҳанинг профессионал ва таниқли вакиллари фаолият юритмоқда.

“Рақс” тўғараги раҳбари эса “Дўстлик” ордени соҳибаси Ойша Айтбағамбетовадир. Таниқли балетмейстер олиб бораётган тўғарақда

30 дан зиёд ўқувчилар қатнашмоқда. Тўғарақ қошида “Навбахор” рақс ансамбли ташкил этилган. Унинг чиқишлари етук жамоалар ижросидан кам эмас.

— Тўғарақлар фаолиятининг катта самараси ўқувчиларимиз эришяётган ютуқларда ҳам акс этмоқда, — дейди ижод мактаби директори ўринбосари Ахрор Фаттамов. — Бунга ихтисосликлар бўйича тўғарақлар аъзоларининг турли танловларда юқори ўринларга муносиб кўрилатгани мисолдир. Асосийси, ўқувчиларимизнинг дарсдан сўнг бўш вақтлари ҳеч ҳам бекор ўтмайди. Ихтисосликдан ташқари 20 та фан тўғарагимиз бор. Бу ўқувчиларнинг яна-

да чуқур билим олиши учун катта имконият.

Ижод мактабида ўқиётган ўсмир борки, бирор тўғарақда иштирок этади. Аксарияти бир эмас, бир нечасининг аъзоси. Бу дегани, бундай ўқувчилар эрта-индин мактабни битириб, турли ихтисослик, яъни касб-хунардан ҳам маълум амалий кўникмага эга бўлиб, мустақил ҳаётга қадам қўяди. Ижод мактаби ичра “маҳорат мактаблари” бўлмиш ихтисосликлар бўйича тўғарақларда ўрганганлари уларнинг келгусида етук мутахассис бўлиб етишишларида муҳим пойдевор сифатида хизмат қилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

■ Табиат мўъжизаси

САЙРОБНИНГ

ЎН АСРЛИК

ЧИНОРЛАРИ

Сурхондарё хушманзара манзилларга бой. Айниқса, баҳаво Бойсун туманидаги Сайроб қишлоғи ҳақида гап кетганда, аввало, кўз ўнгимизда ёши салкам минг йиллик икки туп чинор гавдаланади.



Бу чинорлар танасида катта ковак бўлса-да, улар қарийб 950 йилдан буён яшнаб туради. Чинор коваги ўтган аср бошларида бир мuddат аскарлар қароргоҳи, 1920 йилда қишлоқ кенгаши идораси учун бошпана бўлган бўлса, 1932 — 1934 йилларда бу ерда кутубхона фаолият олиб борган. Кейинчалик савдо дўкони, мактаб, чойхона, сартарошхона ўрнида ҳам фойдаланилган. Сайроб чинорлари табиий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган. Ҳозирда чинорлар ковагида мўъжазгина музей ташкил этилган.

Аҳамиятлиси, бу ердаги балиқлар ҳам машҳур. Ушбу манзил — маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг сеvimли масканларидан. Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида узоқ йиллик тарихга, ўзига хос туристик аҳамиятга эга масканда санитария-гигиена шохобчаси, кўнма савдо дўконлари қурилган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган.

Бу қишлоқнинг яна бир синоати шуки, уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилса-да, илгари ва на ҳозир қандли диабет касаллигига чалинган бирорта киши учрамайди. Бунинг сири, булоқ ва балиқлар билан боғлиқ.

— Бу булоқ қишлоқ аҳолисининг асосий ичимлик сув манбаи, — дейди меҳнат файриши Жўрабек Ҳасанов. — Шу пайтгача ҳудудимизда бирорта одам қандли диабет билан оғримасан. Ушбу чашма суви-дан баҳраманд бўлиш учун қўшни вилоятлардан ҳам келишади. Беморлар бунинг фойдасини сезаётганини ўзларидан ҳам эшитяпмиз. Олимларимиз сувнинг таркибига оид сир-синуотларни илмий жиҳатдан ўрганишга мақсадга мувофиқ бўларди. Қишлоғимиз тоғнинг шундоққина тағида жойлашган. Одамлар сувни тоғ бағридан келади, деб ўйлайди. Лекин бу тоғ сувсиз, номи ҳам “сувсиз тоғ”. Асрлар оша бир маромда оқиб турувчи чашма суви бу тоғда йиғилмаслиги аниқ. Бизнингча, сув жуда узоқлардан оқиб келади. Чашмадаги балиқлар бир хил турда, бошқачаси учрамайди.

Қишлоқ оқсоқоли Жўрабек отанинг мулоҳазаларини тинглаб, Навоий вилоятининг Нурота туманидаги “Чашма” тарихий-мезморий мажмуидаги Чашма булоқ ховузи ёдимизга тушади. Булоқдаги балиқлар Сайроб чашмаси балиқлари билан бир хил. Сувнинг таъми ҳам бири-бирдан деярли фарқ қилмайди. Балки бу икки булоқ ва балиқларнинг бог-лиқлиги бодир — Сайроб булоғи юзлаб қақирми йўл босиб Нурота чашмасидан келаётгандир, деган тахмин ҳам бор.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хаёт завқи

ҚАМИШНИ

«САЙРАТГАН» УСТА

Дехқонободда Наврўз тантаналари тоғликларнинг кўнгли, феъл-атвори каби кенг, повёсиз кир адишлар бағрида, дашту далада нишонланади. Қишлоқдошлар, маҳалладошлар Наврўз байрами баҳонасида кенг далада тўпланиб миллий таомлар пиширади. Кураш, кўпқари, чиллак, арқон тортиш каби йишлар ташкил этади. Миллий куй ва оҳанглар дилларга ўзгача туйғулар бахш этади.



Айниқса, Дехқонободдаги Наврўз сайиллари халқимизнинг қадимий созлари — най, дўмбира, чанқовузу сибизгаларсиз ўтмайди. Аксарият дехқонободликлар бу созларни чалишни хуш кўради. Аммо уларни ўз усталари чалганида бу митти созлар том маънода “сайраб” кетади.

Дехқонободнинг Усмондара қишлоғида туғилиб воғга етган Аҳмад баши Жўраев ҳам сибизга устаси. Қайси тadbирга йўл олмасин, чўнтагида сибизгаси билан боради. Ёш-яланглар дарров уни ўраб олиб, сибизга чалиб беришини сурайди. Бу йил 65 ёшни қаршилаган Аҳмад бобо шу ердаги харсанглирдан бирининг устига чўққалаб, ўтган кўзда қамишдан ўзи ясаган сибизгасини олади. Кенг далани митти сознинг гоҳ мўнгли, гоҳ уйноқи садоси тутайди.

— Миллий чолғу асбобларида чалинган куйларда халқимизнинг қадимий урф-одатлари, маданияти, бой тарихи мужассам, — дейди Аҳмад баши Жўраев. — Сибизганинг бошқа созлардан фарқи, уни фақатгина қамишдан кўлда яшаш мумкин. Ҳеч қандай технологиялар ёрдамида бу созни ясаб бўлмайди. Ясагангиз-да, овози қамишникидек чиқмайди. Ўзим сибизга чалишни ҳам, уни ясашни ҳам ёшлигимда бобомдан ўрганганман. Эллик йилдан буён мунтазам чалиб келаман. Яхши сибизга яшаш кишидан катта тажриба, ўз ишига бўлган меҳр ва иштиёқни талаб этади.

Бахшининг айтишича, сибизга яшаш қамиш танлашдан бошланади. Имкон қадар сувни кам ичган, етилиб пишган ва керакли ўлчамдаги қамиш поясини олиб, тоза ва салқин жойда обдан қуриштилади. Қамиш тўлиқ тайёр бўлгачина, сибизгани ясашга кириштилади. Уста ўлчамларга, айниқса, сибизганининг “тилини чиқариш”га жуда эътиборли бўлиши керак. Озгина ҳафсаласизлик ҳам қутилган оҳангни бермайди.

Аҳмад баши Жўраев нафақат чанқовузу, най чалишда, балки ясашда ҳам моҳир. У бугун ёшларга ҳам халқимиз миллий маданиятининг узвий бир бўлағи бўлган бу созларни яшаш ва чалишни ўргатиб, уларнинг оҳангларини тарғиб қилиш ва сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

■ Яшаётган қадриятлар

Маълумки, Самарқанд VII асрдан бошлаб қоғоз ишлаб чиқариш билан машҳур бўлган. Унинг қоғозлари турли мамлакатларга кўп миқдорда олиб кетилган. Бу қоғозларнинг таърифи “Самарқанд султон қоғози”, “Самарқанд шойи қоғози”, “Мир Ибрагимий”, “Нимканоп” номлари остида жаҳонга ёйилган.

Бундай турларни яратишда хомашё сифатида пахта, ипак ва тут дарахти пўстлогидан кенг фойдаланилган. Ипак толаларидан тайёрланган қоғозлар ўта сифатли, пишиқ, юзаси жуда силлиқ новвот рангда бўлган. Ушлаганда мулоим бўлиб, “ипак” деб аталган. Сийё ариғи бўйида икки мингга яқин сув тегирмонлари ишлаб турган. Уларнинг 400 дан ортиғида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.



САМАРҚАНД ҚОҒОЗИНИНГ СИРИ НИМАДА?

Буюк санъаткор-хаттот Султон Али Машҳадий: “Хар қанча синасанг ҳам Хитой қоғозидан яхшиси йўқ. Аммо Самарқанд қоғози бебаҳодир... Ундаги ёзув раво ва гўзал бўлади” деса, шох ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур: “Оламда яхши қоғаз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғазлар суйи тамоми Кониғилдин келадур. Кониғил Сийёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар”, дея юксак эътироф этган. Қулолари билан дунёга машҳур Кониғил 2020 йилда “туристик қишлоқ” мақомини олди. Эндиликда бу жойга экскурсиялар уюштирилмоқда. Сайёҳлар Сийёҳоб дарёси бўйидаги ободонлаштирилган ҳудуд бўйлаб сайр қилади. Маҳаллий хунармандларнинг устоналарида маҳорат дарсларида қатнашади. Шу ерда ишланган эсдалик совғаларини қизиқиш билан сотиб олишади.

— 1995 йилда Бухоронинг Когон шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКО халқаро конференциясида Самарқанд қоғозини ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш лойиҳаси билан қатнашгандим, — дейди “Кониғил Мерос” корхонаси раҳбари, “Меҳнат шухрати” ордени совриндори Зариф Мухторов. — Дастлаб бу амалий

санъат турини ўз хонадонимда тикладим. Самарқанд қоғози яратилиши сир-синуотларини тўлиқ ўзлаштирганимдан кейин Кониғил қишлоғининг Сийёҳоб ариғи оқиб ўтадиган энг сўлим гўшасида “Кониғил Мерос” қоғоз ишлаб чиқариш хунармандчилик марказига асос солдик. Ҳозирда кунига 100 донадан ортиқ турли ҳажм ва рангдаги қоғозлар ишлаб чиқаряпмиз. Самарқанд қоғозидан кийимлар, йўл халталари тайёрляпмиз. Уларни ювиб, узоқ вақт ишлатса бўлади. Чунки Самарқанд ипак қоғози сувда ивмайди. Қолаверса, бу қоғозлар ноёб маҳсулот сифатида миниатюрчи расм ва каллиграфиялар учун ҳам қўл келмоқда. Хатто Японияда қадимий ёзма битиклар ва нодир асарларни қайта таъмирлашда кенг фойдаланилмоқда.

Самарқандлик хаттот Абдужалил Эргашев ҳам 60х80 ҳажмдаги катта Қўрьон китобини Самарқанд қоғозида ёзди.

— Улуғ калом битилган китобни уч йил давомида 310 вараққа, икки томонлама 620 саҳифада ёзишга муваффақ бўлдим, — дейди моҳир хаттот. — Бир пайтлар Самарқанд қоғозига шарқона таъриф берилиб, “Султоний” ҳамда “Хуросон қоғози” каби атамалар ишлатилган. Улар

сифати билан ажралиб турган. Шу сабабли Самарқанд қоғозига қўчирган мазкур китоб ҳам ўзининг қадимийлиги ва нафислиги билан бебаҳодир.

Шаҳарнинг бир четида жойлашган ушбу хунармандчилик марказида қадимий Самарқанд қоғозларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани шу маҳаллада яшовчи кўплаб ёшларни иш билан таъминлади. Улар аждодларининг хунари ва санъатларини дунёга кўз-кўз қилиб келмоқда. Шу боис бу ердан хорижий сайёҳларнинг қадами узилмайди. Негаки, қўл ёрдамида оддий усулда қоғоз ишлаб чиқариш ва ундан турли маҳсулотлар тайёрлаш жараёни кўпчиликка қизиқ.

Бугун Кониғил қишлоғидаги амалга оширилган ишлар ташхисга сазовор. Бу ерда тарихий биноларнинг қиёфаси тикланди, меҳмон уйлари, овқатланиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиб, Сийёҳоб ариғи атрофида пиёдаблар йўлга, дам олиш масканлари ташкил этилди. Ишонимизки, азалдан жаҳон бозорларини эгаллаб олган Самарқанд қоғози келгусида ҳам энг кўп харид қилинадиган ноёб маҳсулотга айланади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ САЁҲАТ



Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2025 йилда мавсумий гулларнинг композит гулдасталари: гладиолус, хризантема ва дахлиас харидорлар орасида энг машҳури бўлади. Афзалликларнинг мавсумийлиги бозорда аниқ кўринади: март ойида харидорлар лолаларни, апрель ва май ойларида — чиннигуллар ва пионгулларни, август ва сентябрь ойларида — хризантемаларни танлайди. Атиргуллар савдо тўзилмасининг 90 фоизини ташкил қилади.

■ Изланиш

Кейинги йилларда Андижон вилоятининг Олтинкўл, Избоскан ва Андижон туманлари ҳам гулчиликка ихтисослашиб бормоқда. Хусусан, Олтинкўлда илк гулчилик маркази ташкил этилгани истеъмолчиларга арзон ва сифатли гуллар етказиб беришда катта роль ўйнайди. Айни пайтда

бу ерда 9,3 гектар майдонда 30 нафардан зиёд соҳа вакиллари фаолият олиб бормоқда. — Гулчилик билан шуғулланган тадбиркорлар шу пайтгача ўз хонадонидида фаолият олиб борган бўлса, эндиликда тажрибали гулчилар ягона марказ атрофида бирлашди, — дейди марказ масъул ходими Наврўзбек Содиков. — Бунинг учун майдон 26 қисмга ажратилди. Тадбиркор-

лар томонидан 8,9 гектар ер майдони кимошди савдоси орқали сотиб олинди. Қолган қисмда кўргазма майдони ва ташриф буюрувчилар учун шароитлар яратилди. Бу жой гул етиштириш билан шуғулланувчилар маскани эмас, балки ўзига хос агротуризм манзили ҳамдир. Автомобиллар тураргоҳи, тамаддиҳона ва турли тадбирлар учун майдон ҳам ишга туширилди.

Эътиборлиси, ушбу марказнинг ишга туширилиши орқали ноёб ўсимликларни ҳудуд иқлимига мослаш имконияти ҳам яратилди. Эндиликда турли давлатлардан олиб келинган, йилнинг тўрт фаслида ҳам яшнаб турувчи гул ва буталарни маҳаллийлаштириш ишларига киришилган. Бунинг учун марказнинг 2,5 гектар майдонида иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, уларда 10 та тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бормоқда. Бундай саъй-ҳаракатларни амалга ошириш учун 100 та доимий иш ўрни яратилган бўлиб, мавсумда бу рақам 250 тага етиши кўзда тутилган.

— Гулчилик фаолияти билан беш йилдан бери шуғулланамиз. Шу йиллар давомида маҳсулотни республикамиз бўйлаб етказиб беришни йўлга қўйдик, — дейди тадбиркор Омадбек Шокиров. — 70 сотих ер майдонида ўндан зиёд гулларни парваришлаб келяпмиз. Харидорларнинг ноёб ўсимликларга бўлган қизиқиши юқорилигини

ҳисобга олиб, Европа давлатларидан келтирилган қўчатларни ҳам сотишни йўлга қўйдик. Ушбу марказдан икки гектар ер ажратилиши имкониятларимизни янада кенгайтирди. Биринчи навбатда, хориждан келтирилаётган қўчатларни шу жойнинг ўзида маҳаллийлаштиришни йўлга қўйдик. Бугунги кунда 30 та янги иш ўрни яратиб, Италия, Хитой, Туркия каби давлатлардан ноёб гул ва бута қаламчаларини олиб келиб қўпайтиришга эришдик. Авваллари 70 сотих майдондан йилига 400 — 450 миллион сўм даромад олган бўлсак, эндиликда бу кўрсаткични 4-5 баробар оширишни режалаштирганимиз.

Марказ ташкил этилгунча қадар гулчилар маҳсулотни мамлакатимиз бўйлаб етказиб беришни йўлга қўйганди. Энди харидорларнинг ўзи марказга ташриф буюриб, ўзлари танлаган гулларни сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Ҳудуд эко ва агротуризм ривожига салмоқли ҳисса қўиши кўзда тутилган ушбу масканда электр симларини кўрмайсиз. Таъминот юз фоиз қуёш панеллари орқали йўлга қўйилган. 60 кВт қувватга эга панеллар орқали бир кунда давлатга 400 — 500 минг сўмлик электр энергияси сотилимоқда. Бу бир ойда ўртача 15 миллион сўм қўшимча даромад, дегани.

18 миллиард сўмлик лойиҳа асосида қурилган ушбу марказ ҳам даромад, ҳам саёҳат маскани сифатида ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазмунини беришни учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА яқини — 01.40

Тошпирилди — 02.10

1 2 3 4 5 6